



Маъмурчилик меъмори,
бу — аҳоли ташаббуси

2-с.

Ақл билан иш тутилса,
имконият топилади,
барака кўпаяди

5-с.



2026 йил — “МАҲАЛЛАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ЖАМИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШ ЙИЛИ”

ТАШАББУС



Маҳалла халқаро эътирофда

Президентимиз Шавкат Мирзиёев жорий йилда АҚШда ўзбекистонликлар учун маҳалла гузари ташкил этиш бўйича топшириқ берди.

Б у ҳақда давлатимиз раҳбарининг Ташки ишлар вазирлиги ҳамда хориждаги дипломатик ваколатхоналар фаолиятига бағишланган йиғилишида сўз борди. Қайд этилишича, Президентимиз АҚШдаги ватандошлар билан учрашувлар чоғида **маҳалла гузари ташкил этиш** ташаббусини илгари сурган. Мазкур гузар Нью-Йорк ёки Вашингтонда барпо этилиши режалаштирилган. Гузарда Ўзбекистон давлат байроғи ўрнатилади. Шунингдек, миллий ошхоналар ва чойхоналар ташкил этилиши кўзда тутилган.

Айтиш керакики, АҚШда яшовчи ўзбекистонликлар “**Mahalla USA**” **жамоат бирлашмаси**ни ташкил этишган. Бирлашма ўзбек миллий маданияти, анъаналари ва тилини сақлашга қаратилган ишларни олиб боради. Америкага кўчиб келган ўзбекистонликларга янги муҳитга мослашиш, муваффақият қозониш ва қонун-қоидаларни тушунишда кўмаклашади. Қолаверса, тузилма миллий ва халқаро спорт мусобақаларини ташкил қилади.

Энг муҳими, бирлашма ватандошларни Ўзбекистондаги ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий ўзгаришлардан хабардор қилиб боради, икки давлат ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлашга ҳисса қўшади. Тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлайди. Унинг маркази Нью-Йорк шаҳрининг Бруклин туманида жойлашган.

Эслатиш керак, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси 2025 йилнинг июнь ойида АҚШга ташрифи доирасида “Mahalla USA” жамоат бирлашмаси билан ўзаро англашув меморандумини имзолаган эди. “Mahalla USA” жамияти Уюшманинг фахрий аъзоллигига киритилган.

ЖАРАЁН

2,5 МИЛЛИОНТА ХОНАДОН ОНЛАЙН РЎЙХАТДАН ЎТДИ

Президент Шавкат Мирзиёевга аҳолини ва қишлоқ хўжалигини рўйхатга олиш тадбирларини ташкил этиш ҳамда ўтказиш бўйича амалга оширилаётган ишлар юзасидан ахборот берилди.



Рўйхатга олиш жорий йилнинг 15 январидан 28 февралигача икки босқичда ўтказилмоқда. 15-31 январь кунлари давом этадиган биринчи босқичда фуқаролар **махсус ахборот тизими орқали** онлайн рўйхатдан ўтишлари мумкин. Иккинчи босқичда 4-28 февраль кунлари “**маҳалла еттилиги**” ходимлари уйма-уй **юрйб**, саволномаларни планшет қурilmалари орқали тўлдирди.

Аҳолини рўйхатга олиш жараёنлари “**census.stat.uz**” порталида амалга оширилиб, **OneID тизими** орқали идентификация қилиниши белгиланган. Барча маълумотлар геоахборот тизими асосида назорат қилиняпти. Шу мақсадда республика бўйича **7,6 миллиондан ортиқ** хонадон ва турар жойларнинг геоманзиллари шакллантирилди, жараёнларни аниқ вақт тартибида кузатиб бориш имконини берувчи махсус қурilmалар ишлаб чиқилди.



Рўйхатга олиш тадбирларини юқори савияда ўтказиш учун 14 та ҳудудий ва 208 та туман ва шаҳар штаблари ташкил этилди. 60 минг нафарга яқин рўйхатга олувчи ходимлар тайёрланди.

Жумладан, 54 минг нафар “маҳалла еттилиги” вакиллари, 2,6 минг захира ходимлар ҳамда 4 минг нафар ҳудудий штаб аъзолари жараёнга жалб этилди. Шунингдек, вазирлик ва идоралардан 480 нафар тренер, олий таълим муассасаларидан 3 200 нафар волонтер ўқувдан ўтказилди.

Қайд этилганидек, бугунги кунга қадар махсус портал орқали 2,48 миллион хонадон ҳамда 31 мингта фермер хўжаликлари ва қишлоқ хўжалиги корхоналари рўйхатга олинди.

УЮШМА КЎМАГИДА

Янги Ўзбекистон маҳалласи, бу — Президент орзусидаги маҳалла



Бугун Ўзбекистонда маҳалла институти шунчаки маъмурий тузилма эмас, балки мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини белгилловчи асосий “драйвер”га айланди.

2026 йилга келиб, маҳалла идораларининг аънавий “тўрт девори” ўрнини кўп тармоқли, рақамлашган ва инсон кадрига йўналтирилган замонавий экотизимлар эгалламоқда.

Замонавий маҳалла биноси энди фақат хоналардан иборат эмас, у қўйидаги тизимларни бирлаштиради: **Интеграциялашган бошқарув**: бино ичида “маҳалла еттилиги” учун очик иш ҳудудлари ташкил этилган. Бу фуқаронинг сарсон бўлишининг олдини олади — ҳоким ёрдамчисидан кредит, ёшлар етакчисидан тавсиянома олиш бир нуқтада амалга оширилади.

Ижтимоий бизнес майдони: аксарият маҳалла биноларининг биринчи қавати тадбиркорларга ижарага берилиб, у ерда маиший хизматлар (кутубхона, коворкинг, тикувчилик цехи) йўлга қўйилган. Бу маҳалла биносининг ўзини ўзи молиявий таъминлашига хизмат қилмоқда.

“Яшил” энергия: ҳар бир янги маҳалла биноси томига камида 5-10 кВт. қувватли қуёш панеллари ўрнатиляпти.


Давоми 2-саҳифада.

ОИЛА ЭНГ МУҲИМ КЎРҒОН, КЎМАК ХАР ЛАҲЗА ЗАРУР




6

ТУШУНТИРИШ ИШОНЧГА, ИШОНЧ НАТИЖАГА АСОС БЎЛАПТИ



7

ЖИНОЯТГА АСЛИДА КИМ ЖАВОБГАР БЎЛАДИ?



8



ПРЕЗИДЕНТ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ пойтахтимизда Италия Республикаси Бош вазири Жоржа Мелони билан учрашув ўтказди.



Президентимиз СПОРТ СОҲАСИда амалга оширилган ишлар ҳамда 2026 йил учун мўлжалланган вазифалар юзасидан тақдирот билан танишди.



Давлатимиз раҳбари номига АҚШ Президенти Доналд Трампдан ТИНЧЛИК КЕНГАШИГА ҚЎШИЛИШ бўйича расмий таклиф келди.

“МАҲАЛЛА РАИСИ, БУ — МАҲАЛЛАНИНГ ВИЖДОНИ!”

УЮШМА КЎМАГИДА

Янги Ўзбекистон маҳалласи, бу — Президент орзусидаги маҳалла

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада.



Вазира УМАРОВА, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси бўлим бошлиғи.

Дарҳақиқат, бугун маҳалланинг ўзида аҳоли муносабатларини ўрганиш ва уларнинг муаммоларига ечим топиш учун барча имкониятлар яратилди. Шунга монанд йиғин идоралари шунчаки одамлар келиб кетадиган жой эмас, балки аҳоли муаммолари билан манзилли ишлайдиган, ўзаро фикр-мулоҳаза алмашадиган манзилга айланди. Ўз навбатида бу масканда “еттилик” иш самардорлигини оширадиган, аҳолига турли хизматларни кўрсатиш имконини берадиган муносиб шароитлар яратишга зарурат бор.

Рақамларга эътибор қаратсак, 2025 йил давомида 485 та маҳаллада муносиб шароит яратилди. Жумладан, 318 та маҳалла биноси янгидан

қурилди, 167 та йиғин бўш биноларга жойлаштирилди. Худудлар кесимида олинса, энг кўп Андижон вилоятида 101 та, Тошкент вилоятида 78 та, Наманганда 61 та, Қашқадарёда 41 та, Жиззахда 40 та маҳалла маъмурий марказларига эга бўлган.

Хусусан, 4 минг 300 нафардан зиёд аҳоли яшайдиган Шаҳрихон туманидаги “Навбахор” маҳалласининг алоҳида идораси йўқ эди. Йиғин аъзолари кўп йиллар давомида тadbirkorларга тегишли биноларда ижарада туриб, ишлашига тўғри келди. Ўтган йили туман ҳокимлиги, Маҳаллалар уюшмаси туман бўлими ташаббуси билан ҳомийлар кўмагида маҳалладаги эски, фойдаланилмасдан турган бино қайта қурилиб, маҳалла учун замонавий идора бўлиб этилди. Бунинг учун ҳомийларнинг 400 миллион сўмга яқин маблағи сарфланди.

Фақат бугина эмас, жараёнда мавжуд маҳалла биноларини бугунги кун талабларига мослаштиришга ҳам урғу берилляпти. Натижада хизмат биносига эга бўлган маҳаллаларнинг 2 031 таси жорий, 165 таси капитал таъмирланди, 115 таси реконструкция қилинди. Кадастр ҳужжати мавжуд йиғинларнинг сони 7 869 тага етказилди.

Эндиликда шаҳар ва вилоят марказида тadbirkorлар томонидан қурилиб, пастки қаватида “маҳалла еттилиги” жойлашадиган бинолар 3 йил муддатга ер ва мол-мулк солиғидан озод қилинади. Қишлоқ жойларда бу имтиёзлар муддати 7 йилгача узайтирилади. Бино эгаси бўлган тadbirkorлар ушбу муддат давомида фойда ва айланмадан со-



лиқни 50 фоиз пасайтирилган миқдорда тўлайди. Бу тартиб тadbirkorларга қўшимча енгиллик яратса, маҳалла фаолларига замонавий, барча шароитларга эга биноларда фаолият юритиш имкониятини беради.

Бугун жойларда кўпчилик аҳоли хонадонлари, давлат ташкилотлари мукобили электр энергиялари, хусусан, қуёш панелларини ўрнатишга қизиқиш билдирмоқда. Зотан, бу доимий, кафолатланган электр токидан фойдаланиш имконини беради. Айни жараёндан маҳалла бинолари ҳам четда қолмаяпти. Ҳозиргача республика бўйича 3 989 та маҳалла би-

носига қуёш панеллари ўрнатирилган. Биргина ўтган йили 2 457 та маҳалла биноси қайта тикланувчи энергия манбаси билан таъминланди.

Хусусан, Вобкент туманидаги “Қумушкент” маҳалласи биносига умумий қуввати 4 кВт.га тенг тўртта қуёш панели ўрнатирилгани кишин-ёзин мукобил энергиядан фойдаланиш имконини бермоқда. Бу қуёш панелларининг ўзига хос хусусияти шундаки, улар икки томонлама қувватланувчи монокристал панелга эга бўлиб, тўғридан-тўғри қуёш нури тушмаган ҳолатда ва булутли кунда ҳам ёруғлиқни ўзида қабул қилиб, қайта ишлайди.

2026 йил давомида 508 та маҳаллага янги бино қуриш, 1 800 та йиғин биносини таъмирлаш, 1 600 та маҳалла биносига қуёш панелларини ўрнатиш режалаштирилган.

Бугун маҳаллани одамларга энг яқин тузилмага айлантиришда нафақат унинг биноларини янгилашга эътибор қаратиляпти, балки моддий техника базасини мустаҳкамлаш ҳам доимий диққат-марказда. Жумладан, ўтган йили 5 608 та маҳалла бинолари мебель жиҳозлари билан таъминланди. 322 та йиғин биносига нурунийлар чойхонаси иш бошлаган бўлса, 1 608 та маҳаллада кутубхона фаолияти йўлга қўйилди.



Умуман олганда, юқоридаги ҳолатлар — янги маҳалла биноларининг фойдаланишга топширилиши, мавжудларининг замон талабларига мослаштирилиши, уларга қуёш панеллари ўрнатилиб, моддий-техника базанинг яхшиланиши ходимларнинг иш самардорлигини оширмоқда. Қолаверса, аҳоли муносабатларини ўз вақтида қабул қилиб, ҳал этиш, тегишли ташкилотларга йўналтириш имконини ҳам берапти.

РАИС СЎЗ СЎРАЙДИ

Маъмурчилик меъмори, бу — аҳоли ташаббуси

Президентимиз Мурожаатномада маҳалла инфратузилмасини яхшилашдан тортиб, йиғинларда янги иш ўринлари яратиш, худудлар “драйвер”ларидан самарали фойдаланиш, ҳар бир маҳаллага Янги Ўзбекистон қиёфасини олиб қиришгача бўлган барча йўналишларни белгилаб берди.

Хайрулло ИСМОИЛОВ, Қўрғонтепа туманидаги “Маъмурбод” маҳалласи раиси.

...ундан келиб чиқиб, биз, “маҳалла еттилиги” вакиллари йиғин аҳолисига мурожаат йўлладик, 2026 йилда амалга оширадиган ишларимиз бўйича алоҳида дастурларни тақдим этдик. Худуд салоҳиятидан келиб чиқиб, одамларни богдорчилик, чорвачилик ва хизмат кўрсатиш соҳаларида банд қилишни ўз олдимишга мақсад қилиб қўйдик. Бу борада ўтган йили айрим хайрли ишларни бошлаганмиз. Мисол учун, маҳалланинг Водий тавҳари кўчасини тўлиқ гипосчиликка иختисослаштирдик. 1 000 тул нихол қадаб, уларни мазкур кўчадаги ҳар бир хонадонга бириктирдик. Қолаверса, яна иккита кўчада 1,5 километрик сўритик ташкил қилиб, узумлиқни ривожлантиряппиз. Айтиш керакки, ҳозирда маҳалладаги 650 та хонадоннинг 80 фоизи узум етиштирилади. Бу имкониятдан “драйвер” соҳа сифатида фойдаланишни белгилаб олдик. Айни йўналишдаги сарф-ҳаракатлар натижасида маҳаллада ишсизлик даражаси 2 фоизга, камбағаллик кўрсаткичи 1,9 фоизга туширилди.



“Маҳаллани ривожлантириш ва жамиятни юксалтириш йили”да илк марта маҳалла инфратузилмасини ривожлантириш учун 20 триллион сўм маблағ худудларнинг ўзига берилади. Энг муҳими, бу маблағларнинг ҳар бир сўми аҳоли учун қўшилган қиймат яратиши зарур. Биз ҳам бу имкониятдан самарали фойдаланиб, ҳоким ёрдамчиси ва маҳалла банкири билан хизмат кўрсатиш, богдорчилик лойиҳаларини ишлаб чиқяппиз. Шу орқали маблағлар “қоғоздаги объектлар”га эмас, балки иш ўрни, даромад ва фаровонлик яратадиган аниқ лойиҳаларга сарфланади.

Маҳалла инфратузилмасини ривожлантириш — доимий эътиборда. Шу кунгача 52 та устун янгисига алмаштирилди, 2 та трансформатор ўрнатилди, “Ташаббусли бюджет” лойиҳаси асосида 3,8 километр ички йўл асфальт қилинди. Воркаут майдони, суҳбатлашиш жойлари қурилляпти. Йиғин худудидан ўтган “Андижон — Хонобод” йўли бўйича хизмат кўрсатиш шохобчалари (новвойхона, сортарошхона, дўконлар) ташкил этиляпти. Қисқа фурсатда уларнинг барчаси аҳолига хизмат кўрсатишни бошлайди.

Шу ўринда айрим таклифларни баён этсам. Ҳозир сафимизда кўп йиллар давомида маҳалла тизимида фаолият юритган тажрибали раислар билан бирга, янги сайланган, маҳаллада илк марта иш бошлаган ҳамкасбларимиз ҳам бор. Истардикки, ҳар бир туман (шаҳар)да Маҳал-

ла раислари йиғинини ташкил этиш орқали уларнинг ўзаро мулоқотини йўлга қўйсак. Дастлабки босқичда мазкур йиғин аъзолари сифатида туман(шаҳар)лардаги маҳаллалар рейтингини асосида ТОП-20 таликка кирган маҳалла раислари танланиши зарур.

Маҳалла раислари йиғинини ҳар ойда бир марта йиғиш, унда маҳаллага тааллуқли, туман даражасидаги масалаларни ўзаро муҳокама қилиш, тажриба алмашиш имконияти яратилади. Ёш ва янги сайланган раисларга тавсиялар берилади. Энг муҳими, мазкур йиғин таклифлари асосида маҳаллалар билан боглиқ масалалар маҳаллий Кенгашлар йиғилишларида мунтазам қўриб чиқилишини таъминлаш лозим. Бу орқали маҳалланинг мавқеи ошади, йиғинлардаги муаммоларга ўзаро ҳамжihatлиқда ечим топилади.

БАТАН ВА ХАЛҚ МАНФААТИ УСТУВОР

“Агробанк” ҳамиша маҳалла билан боглиқ...

“Ўзбекистон — 2030” стратегиясига қўра, аҳоли ташаббуси билан инфратузилмани яхшилашга ажратиладиган маблағлар ҳажми 24 триллион сўмга етказилади.



Нажибудин ЖИЯНОВ, “Агробанк” АТБ бизнес-тренерлар гуруҳи раҳбари.

Маҳалла институтининг янги босқичга кўтарилишида банкларнинг ҳам фаол иштироки, хусусан, маҳалла банкири ва унинг ёрдамчи агентлари тизими ҳал қилувчи аҳамият касб этаётир. Бу тизим нафақат аҳоли бандлигини таъминлаш, балки камбағаллиқни қисқартириш ва тadbirkorлиқни ривожлантиришга қаратилган муҳим ташаббусга айланади.

“Маҳалла банкири” тизими 2024 йил охиридан бошлаб фаол йўлга қўйилди. Банк ходимларининг маҳаллага кириб бориши аҳолининг кредит олиш, бизнес очиш ва маҳсулот сотиш бўйича билимларини оширди. Қоғозбозлиқ камайди, жараён шаффофлашди. Манзиллилик таъминланди, банкирлар ҳар бир оиланинг имкониятини ўрганиб, тайёр бизнес режалар таклиф қилмоқда.



Айни жараёнда “Агробанк”нинг туман филиалларига бириктирилган 1 759 та маҳаллада 479 нафар маҳалла банкири (ҳар тўртта маҳаллага битта) ва ҳар бир маҳаллада бир нафардан маҳалла агенти ишга жалб қилинди. 2025 йил давомида улар кўмагида 140,1 мингта лойиҳага 4,5 триллион сўм кредит маблағи ажратилиб, 504,2 минг нафар аҳолининг бандлиги таъминланди (247,4 минг нафар хотин-қизлар, 205,9 минг нафар ёшлар).

Жорий йилда “маҳаллабай” ишлаш йўналишида 5,8 триллион сўм кредит маблағи йўналтирилиб, маҳалла банкири ва унинг ёрдамчи агентлари кўмагида 223,6 минг нафар аҳолини ишли қилиш режалаштирилган. Айниқса, 91,6 минг нафар хотин-қизлар ва 84,9 минг нафар ёшларни даромадли меҳнатга жалб қилиш белгилаб олинган. Бу жараёнда ҳар бир маҳалланинг ўзига хос бизнес имкониятларини (чорвачилик, хонармандчилик, хизмат кўрсатиш) ҳисобга олган ҳолда, манзилли микролоийҳалар ишлаб чиқилади. Маблағларнинг мақсадли ишлатилиши бўйича жамоатчилик назоратини таъминлашга маҳалла фаоллари жалб этилади.

Сирасини айтганда, “маҳалла банкири” тизими Ўзбекистоннинг 2026 йилдаги ижтимоий-иқтисодий ҳаётида муҳим ўринни эгаллайди. Уларнинг муваффақиятли фаолияти маҳаллани чинакам тadbirkorлик ва фаровонлик марказига айлантириш имконини беради.



1 февралдан бошлаб илк бор ID карта берилаётганда унга ЭЛЕКТРОН РАҚАМЛИ ИМЗО сертификати илова қилинади.



Тошкент, Самарқанд ва Фарғона вилоятлари ҳамда Қорақалпоғистон Республикасида “АҚЛЛИ” МИГРАЦИЯ ШОХОБЧАЛАРИ ташкил этилади.



Чет эл фуқароларига ЭЛЕКТРОН ВИЗАЛАРИ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИНИ бир маротаба 30 кунгача узайтириш ҳуқуқи берилади.

2026 йил
21 ЯНВАРЬ,
ЧОРШАНБА

Mahalla №5

3

“ОДАМЛАР ДАРОМАД ТОПИШИДА
ТАДБИРКОРЛАР ҲАЛ ҚИЛУВЧИ КУЧ!”

ҲУНАРИ БОР ОДАМ —
ҲУРМАТИ БОР ОДАМ

ТАДБИРЛИ ТАДБИРКОР 100 ТА ИШ ЎРНИ ЯРАТДИ

Маҳалламизни “ёнғоқчилар маҳалласи”, деб аташади. Бу бежиз эмас. Чунки бир неча йилдирки, аҳоли шу йўналишда даромад топади. Ҳатто, тадбиркорлар ёнғоқ экспорти билан шуғулланади. Ихтисослаштирилган бозорча ташкил этганмиз.

Соҳибжон СОДИҚОВ,
Оқдарё туманидаги
“Пичоқчи” маҳалласи ҳоким ёрдамчиси.

Худудда тадбиркорликни ривожлантириш учун кенг имкониятлар мавжуд. Масалан, бўш бинолар ва ховли ер майдонларини ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатиш мақсадида фойдаланиш мумкин. Шунингдек, аёллар ва ёшлар учун тикувчилик, қандолатчилик, сартарошлик, автомобиль таъмирлаш ва иссиқхона ҳужаликлари каби йўналишлар бўйича лойиҳаларни амалга ошириш учун қулай муҳит бор.



Сўзим исботи сифатида кейинги йилларда автомашина ўриндиқлари учун жилд тикиш “ўсиш нуқта”га айланганини таъкидлаш ўринли. Дастлаб бу фаолият тури билан шуғулланишни Баходир Эргашев бошлаб берган бўлса, ҳозир яна учта хонадонда юзга яқин хотин-қиз меҳнат қилмоқда. Масалан, Наргиза Қурбонова аввал тикувчи бўлиб ишлаб, кейинчалик ўзи мустақил жилд тикишни йўлга қўйди. Имтиёзли кредит олишига қўмаклашдик. Натижада 3 та тикув машинаси ва хомашё харид қилди. Тайёр маҳсулотга харидор аниқ бўлгани учун сотувга қийналмади. Иши юришиб, бюрторма кўпайди. Шу тариқа фаолиятини кенгайтириб, ишсиз аёлларни ёнига олди. Ховлисида қўшимча қурилиш қилиб, икки қаватли устaxonа қурди. Ҳозир саккиз нафар ишчи бор. Турмуш ўртоғи ва фарзандлари ҳам унга ёрдам беради. Тадбиркор ўтган йили фаолиятини янада кенгайтириш мақсадида 50 миллион сўмга замонавий ускуна олиб, автомобиллар учун бутловчи буюм ишлаб чиқаришни бошлади. Бундан ташқари, маҳаллада касаначи сифатида махсус сумка тикаётганлар ҳам кўпчилиكنи ташкил этади.

Яна бир маҳалладошимиз Лобархон Нуруллаева “Аёллар дафтари”га киритилгач, 25 миллион сўм кредит эвазига замонавий печь ва бошқа воситаларни сотиб олиб, торт, ҳар хил пишириқлар тайёрлаш, нон ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Яна уч нафар аёлни иш билан таъминлади. Томорқадаги икки сотихли иссиқхонада парваришланаётган лимондан ҳар йили 500-600 килограмм ҳосил олиб, рўзгорга қўшимча даромад топапти.



Ишимдаги самарадорликнинг бош сабаби — ҳар доим тадбиркор ва кам таъминланган оилалар, ишсизлар билан биринчи бўлиб ўзим боғланаман. Улар муаммолари олдида ёлғиз қолишларига йўл қўймайман.

Тажрибамдан келиб чиқиб, айтаманки, ишсизликни қисқартиришнинг асосий йўли — тадбиркорликка ўргатиш, касб-хунарга ўқитиш, томорқадан самарали фойдаланиш ва хонадонларда кичик ишлаб чиқаришни ташкил қилиш ҳисобланади. Қайси йўналиш бўлмасин, юқорида келтирилган йўл билан борилса, ишсизлик қисқаради, аҳоли даромади ошади. Бунинг учун маҳаллаларда тадбиркорлик марказлари ташкил этилиши керак, деб ўйлайман.

Мақсад аниқ бўлса, машаққатни енгиш ҳеч қачон қийин эмас

Халқимизда “Ётиб еганга тоғ ҳам чидамайди” деган мақол бор. Уйма-уй юриб, боқиманда кайфиятдаги инсонлар билан суҳбатлашганда шу мақолни эслатаман. Уларга турли хил маслаҳат ва тавсиялар бераман. Ҳаётини яхшилаш учун, аввало, инсон ўзи ҳаракат қилиши лозимлигини тушунтираман.

Умид ХОЛОВ,
Жондор туманидаги
“Тобагар” маҳалласи
ҳоким ёрдамчиси.



Аввало, “маҳалла еттилиги”, жумладан, ҳоким ёрдамчилари ўз устида ишлаб, изланиши керак.

Яқингача тўрт мучаси соғ инсонлар ҳам “маҳалла менга ёрдам бериши керак”, деган хато фикрда эди. Афсуски, ҳақиқий ёрдамга муҳтожлар қаторида улар ҳам ижтимоий кўмак оларди.

“Камбағалликдан фаровонлик сари” дастури қим ҳақиқатдан ҳам кўмакка муҳтож ким боқиманда эканини ажратиб олиш имконини берди. Бунинг учун “еттилик” ходимлари уйма-уй юриб ўтказган хатловда хонадонлардаги манзара янада ойдинлашди. Айниқса, Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигининг маҳаллада комплекс ижтимоий хизмат кўрсатувчи ходими иш бошлагани кам таъминланган, ёрдамга муҳтож ва ногиронлиги бор инсонларни қўллаб-қувватлаб, уларнинг муносиб турмуш кечиришида яқин кўмакчи



бўлмоқда. Ишласа, даромад топадиган, изланса, оиласини боқа оладиган фуқароларга иш, кредит маблағи тақриф қил-япмиз. Натижада ўтган икки йилда маҳалламиз ишсизлик ва камбағалликдан холи худудга айланди.

Рақамларга эътибор қаратсақ, ўтган йил 60 нафар фуқарога имтиёзли кредит ажратилди. Томорқачиликни ривожлантириш мақсадида 20 та иссиқхона ташкил қилдик. Бу ерда 2-3 мартагача ҳосил олиш йўлга қўйилди. 15 та хонадонга Сайхунбод тумани тажрибаси асосида лойиҳа пакетлари тақдим этилди. Камбағаллик рўйхатида турувчи 5 та оилаларга 1 сотихли иссиқхона қуриб бердик.

Маълумки, тикувчилик касби уйда ўтирган хотин-қизлар учун энг қулай даромад топиш манбаидир. Шу боис

маҳалламизда Жондор тумани касбий кўникмалар марказига қарашли ўқув амалиёт хонаси ташкил этдик. Айни пайтда бу ерда 15 нафарга яқин аёллар касб-хунар сирларини ўрганмоқда. Жумладан, “Замонавий пардалар тикиш” йўналиши бўйича қўллаб аёллар бандлиги таъминланмоқда.

Айрим кишилар қўлида хунари ёки бирор касбга лаёқати бўлса-да, уни ишга солиб, тад-

биркорлик қилишга, шу орқали даромад топишга иккиланади. Юқоридаги ташаббус мана шу каби хотин-қизларга янги имкониятлар эшигини очди. Масалан, Зилола Мирзаева ишсизлиги сабабли “Аёллар дафтари”да рўйхатда турарди. Касбий кўникмалар марказида ўқигач, унга субсидия асосида тикув машинаси ажратилди. Ҳозирда ўзини ўзи банд қилиб, оиласига даромад келтирмоқда.

Бир қарашда ҳаммаси рисоладагидек кетяпти. Аммо тўхтаб қолишга ҳаққимиз йўқ. Аввало, “маҳалла еттилиги”, жумладан, ҳоким ёрдамчилари ўз устида ишлаб, изланиши керак. Уларнинг билимини ошириб бориш учун малака курслари ташкил қилиниши зарур. Шунингдек, тажрибасини бошқаларга ўргатиши учун худудлараро хизмат сафарларини кўпайтириш лозим. Ҳар бир мутахассис замонавий технологиялардан яхши хабардор бўлиши керак. Бунинг учун махсус методик қўлланма, дастурлар чоп этилса, янада манфаатдорлик ошарди.

ИШ БИЛГАНГА БАЛЛИ!

Лимон тўғри сақланса, даромади икки ҳисса ортади

Кейинги йилларда аҳоли томорқасидан самарали фойдаланиб, турли хил сабзавот маҳсулотлари, цитрус мевалар етиштиришни йўлга қўйди.



Шодмон НАМОЗОВ,
Қишлоқ ҳўжалигида
билим ва инновациялар
миллий маркази
директори.

Айниқса, иссиқхонада лимон парваришлаш, сақлаш бўйича катта тажриба тўпланди. Лимон йилда бир неча бор гуллагани учун меваларининг етилиши бир-биридан фарқ қилади. Дастлабки гулларидан тугилган мевалар сентябрь ойи охири — октябрь ойи бошларида сарғая бошлайди. Бу жараён, айниқса, иссиқхона ёпилганда тезлашади.

Ноябрь ойидан ҳосилни йиғса бўлади. Узилган мева тўлиқ пишгани учун бошқаларига нисбатан яхши сақланади. Аммо бу иш ўта эҳтиёткорлик талаб этади. Масалан, узок сақланиши учун банди узиб олинмайди. Ток қайчида қирқиб, салқин хонага 15-20 см. қалинликда ёйиб қўйилади. 3-5 кунда озгина сўлади. Саралаш жараёнида нуксонли бор, тирналган, тикон қирган, банди узилган мевалар ажратилади. Чунки улар бошқа соғлом меваларни ҳам нобуд қилиши мумкин. Мева банди 0,5 см. қолдириб кесилади. Соғлом мевалар махсус қутида сақланади. Бунинг

учун 1-2 кгдан қилиб, қутига терилади. Устидан 2-3 сиқим ёғоч қипиғи (апилка) солиб, ҳаво кирмайдиган қилиб тугилади. Қипиқ намликни ютиб туради. Барча қутилар тайёр бўлгач, салқин ва қоронғу хонага 1-2 қават қилиб тахланади. Орада 1-1,5 метр йўлак қолдирилади.



Хона ҳарорати +5...+15° даража бўлиши керак. Вақти-вақти билан ҳаво алмаштириб турилади. Агар зарарланган мева топилса, дарҳол олиб ташлаш лозим.

Яна бир усул — кичик пакетчаларга 2 тадан мева солинади. Бир мева чириса, иккинчисига зарар етмайди.

Бу тадбирлар тўғри бажарилса, лимонни март, ҳатто, апрель ойигача сақлаш мумкин.

Саҳифани
“Mahalla”
муҳбири
Хайрулло
АБДУРАҲМОНОВ
тайёрлади.

МЕНДА САВОЛ БОР...

Тўлқин НАБИЕВ. Чирчиқ шаҳри:

— Жорий йилдан камбағал оила аъзолари ўрмон фонди ерларида фаолият юритишга оилавий пудрат шартномаси асосида жалб этилиши белгиланди. Бу жараёнда талабгорлар рўйхатини ким шакллантиради? Ер олганлар қандай имтиёзга эга бўлади?

КАМБАҒАЛ ОИЛА АЪЗОЛАРИГА ЕР ВА СУБСИДИЯ АЖРАТИЛАДИ



Лазиз ҚАРШИЕВ,
Камбағалликни қисқартириш ва
бандлик вазирлиги мутахассиси:

— Дарҳақиқат, Вазирлар Маҳкамасининг “Ўрмон фонди ерларидан самарали фойдаланиш орқали камбағал аҳоли бандлигини таъминлаш ва уларнинг даромадини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига қўра, камбағал оила аъзолари ўрмон фонди ерларида фаолият юритишга оилавий пудрат шартномаси асосида жалб этилади.

Улар ушбу ер участкаларида дарахт экиш, қўчат ва доривор ўсимликлар, шунингдек, ўз эҳтиёжлари учун сабзавот, полиз ва бошқа қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини етиштиришлари мумкин. Бу амалиёт қўллаб-қувватланади.

Талабгорлар рўйхатини ҳар йили январь ва август ойларида “маҳалла еттилиги” шакллантириб, тегишли давлат ўрмон ҳўжалиги ташкилотларига тақдим этиди. Шунингдек, ер олганларга ҳар 100 та экилган дарахт учун — “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасидаги маблағлар ҳисобидан БҲМнинг бир баравари миқдориде субсидия ажратилади.

Бу жараён белгиланган тартибда, тасдиқланган рўйхат ва ҳисоб-китоб асосида амалга оширилиб, барқарор даромад манбалари яратилади. Қўчатларни давлат ўрмон ҳўжаликлари ташкилотлари камбағал оила аъзоларига бепул етказиб беради.



“Пиротехника буюмларининг муомаласи тўғрисида”ги ҚОНУН ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ.



Қонун билан “МАРКАЗИЙ ОСИЁ – ХИТОЙ” формати котибияти тўғрисидаги низом ратификация қилинди.



“Фарғона” туристик-рекреацион зонасини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПРЕЗИДЕНТ ҚАРОРИ қабул қилинди.

4

Mahalla

№5

2026 йил
21 ЯНВАРЬ,
ЧОРШАНБА

“ХОТИН-ҚИЗЛАР ҚАДР-ҚИММАТИ — ШАЪН ВА ҒУРУР МАСАЛАСИДИР!”

АЁЛГА ЭЪТИБОР — ОИЛАГА, КЕЛАЖАККА ЭЪТИБОР

МУТОЛАА ЗАВҚИ

ОИЛАГА СУЯНЧ БЎЛАДИГАН АЁЛ БАҒРИ КЕНГ ВА, АЛБАТТА, ИЛМЛИ БЎЛАДИ

Авваллари хонадонларга кирганимизда, кўпчилик қандай қилиб бола пули олиш мумкинлиги, моддий ёрдам ажратилиши учун қанақа ҳужжатлар кераклиги ҳақида сўрашарди. Сабаби, маҳалла ходимлари, асосан, шу йўналишларда ёрдам кўрсатиш имконига эга бўлишган. Энди вазият бутунлай ўзгарди. “Еттилик” вакиллари ҳар бир фуқарога масъул сифатида бириктирилди. Одамларнинг фикрлаши ҳам олдингидан анча фарқ қилади. Уйда ўтиргани аёлларнинг оддий қизиқишини даромад манбаига айлантириш, тадбиркорлик бошлаш борасида маслаҳат сўрашини ислохотларнинг яққол натижаси, деб биламан.

Моҳигул ХИДИРОВА,
Навбахор туманидаги
“Арабсарой” ва
“Сарой” маҳаллалари
хотин-қизлар фаоли.

Айни вақтда мен фаолият олиб бораётган иккита маҳалла ҳудудида ҳам аёллар тадбиркорлиги жадал ривожланыпти. Опа-сингилларимизнинг ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш йўналишларида қўлга киритаётган катта натижалари кучимизга куч, ғайратимизга ғайрат бағишляпти. Улар тақдим этилаётган имтиёзли кредит, субсидия ва ссудалардан унумли фойдаланиб, оиласи фаровонлигига муносиб ҳисса қўшляпти.

Дилфуза Умарова анча вақт уйида хаваскор чевар сифатида оила аъзолари ва қўни-қўшниларига қўйлак тиқиш билан шуғулланиб юрди. “Еттилик” ходимларининг тавсияси ҳамда яқинларининг қўллаб-қувватлаши билан тикувчилик цехи ташкил этди. Бунинг учун 30 миллион сўм имтиёзли кредит ажратилди. Маблағ эвазига керакли анжом ва хомашёлар харид қилган тадбиркор бугун замонавий парда ҳамда кўрпа-тўшақларни қиёмига келтириб тикияпти. Бундан ташқари, 7 нафар аёлга ҳунар ўргатиш баробарида уларнинг доимий бандлигини таъминляпти.



Асал Отамуродова давлат корхонасида ишлаш билан бирга, томорқасида 3 та иссиқхона ташкил этган. Бу ердан йилга уч қайта ҳосил олади. Шу кунларда помидор ва бодиринг сотиш билан банд. Эрта баҳор бозорга картошка чиқаради. Қўкатларни-ку айтмаса ҳам бўлаверади. Миришкор аёл билан суҳбатлашганимда, жисмоний меҳнат инсон саломатлиги ва фарзандлар тарбиясида бекиёс аҳамият касб этишини кўп такрорлайди. Унинг табиатга ва ерга ошно эканини кўриб, кўпчиликнинг ҳаваси келади.

“Еттилик” вакиллари ҳамда “Оқила аёллар” ҳаракати аъзолари оилалар мустаҳкамлигини таъминлаш, ёшларни турмушга тайёрлаш борасида тизимли ишларни олиб борапти. Барчамиз биргаликда хонадонларни айланамиз. Можаро келиб чиққан бўлса, сабабларини ўрганамиз. Кўп ҳолатларда келинларимиз билан ишлашга тўғри келади. Уларнинг айримлари эрта турмушга чиққан, баъзилари жуда эрқа. Насихат қиламан, десангиз, дарров кўзига ёш олади. Шу боис қиз фарзанд улғайтираётган ота-она уни болалигидан тарбиялаши, ҳаёт синовларига тайёрлаши зарур, деб биламан. Иш билган, дунёқараши кенг, тўғри фикрлайдиган аёлгина оила суянчи бўла олади.

Бугун маҳалла тизимида амалга оширилаётган ислохотларнинг қўлами жуда кенг. Фақатгина улардан унумли фойдаланиш ва одамлар ҳаётига олиб кириш керак, холос. Шу маънода бир таклифни илгари сурмоқчиман. Имкони бўлса, ҳар бир маҳалла ҳудудида соғломлаштириш масканларини ташкил этиш керак. Керакли анжомлар билан жиҳозланган хоналарда аёлларнинг ёши ва имкониятига мос спорт турлари билан шуғулланиши учун шароит яратилса, нур устига аъло нур бўларди. Бу хотин-қизлар саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом авлодни вояга етказиш ҳамда ногиронлик кўрсаткичларини камайтиришга ёрдам беради. Қолаверса, аҳоли вакилларида жисмоний фаоллик кўникмаси шакллана бошлайди. Назаримда, бу тажрибани амалга таъбиқ қилиш орқали яхши натижаларга эришамиз.



Кеча янги китоб сотиб олдим. Тўғриси, анчадан буён мутолаа билан шуғулланмай қўйгандим. Шунданми, сўз кучидан танамга ўзгача қувват киргандек бўлди. Ҳаёлим бир муддат турмуш ташвишларини унутиб, асар воқеаларининг таҳлилига берилди...

Шаҳноза РАХИМХҲАЕВА,
“Mahalla” муҳбири.

Бугун билан ифодалаш қийин ажиб бир ҳиссиёт. Муаллифнинг садафдек терилган жумлалари кишини сеҳрлаб олгандек бўлади. Қайсидир ўринда қаҳрамон билан қўшилиб юм-юм йиғлаймиз, баъзан унинг шодлигидан ичимизга сиғмай кетамиз. Шу тариқа ҳаёт илмидан сабоқ оламиз. Бунинг учун мутолаа завқи, дейишарди.

Тарихдан маълумки, китобга ошно бўлган киши сира кам бўлмаган. Эл ичида ҳурмат ва эътибор қозongan. Гапларидаги мазмун, моҳият кўнгилларга қадар етиб борган. Айниқса, келажак авлод вакиллари-нинг ўқишга иштиёқини ошириш уларнинг жамиятда муносиб ўрин эгаллаши, мустақил фикрга эга шахс сифатида шаклланишига замин яратди.



Президентимизнинг “Китобхонлик маданиятини ривожлантириш ва аҳоли ўртасида китоб ўқишга қизиқишни ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори шу мақсад учун хизмат қилиши шубҳасиз. Ҳужжатни қабул қилишдан кўзланган асосий мақсад — 2026-2030 йилларда аҳолининг китобхонлик даражасини оширишдан иборат.

Бундан ташқари, жорий йилнинг 1 февралидан бошлаб аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида китобхонликни тарғиб қилиш бўйича “Китоб — маърифат манбаи” дастури амалга оширилади. Транспортларда симсиз ёки мобиль интернет тармоғи орқали “Mutolaa” платформасидан фойдаланиш имкониятлари яратилади, қўлайлик учун QR кодлар ўрнатилади. Умумтаълим муассасаларида “Жадидлар изидан” китобхонлик клублари ташкил этилади. Клуб аъзолари ўртасида китоб таҳлилига бағишланган дебатлар ўтказилади. Ҳар чоракда туман (шаҳар) кесимида энг фаол иштирокчилар муносиб рағбатлантирилади.

Корхона ва ташкилотларда “Китоб бурчаги” ташкил этилади ва ходимлар учун ҳар ойда “Китоб ўқиш соати” йўлга қўйилади. Шу асосда ички рейтинг тизими жорий этилади. Энг кўп мутолаа қилган ходимга 1 ойлик иш ҳақи миқдорига пул мукофоти берилади. Шунингдек, энг кўп китоб ўқиган топ-100 таликка қирадиган ўқувчи ва талабаларнинг қир берига БХМнинг 25 баравари миқдорига пул мукофоти тақдим этилади.

Ривожланаётган, юксалиш йўлини танлаган жамият бу муҳим қадамни ташлаши зарур. Фақат шу ёндашув асосида бугун маҳаллаларни қийнаётган жиноятчилик ва оилавий ажралишларни камайтириш мумкин. Жаҳолатга қарши маърифатни қурол қилиб, фарзандларга тўғри тарбия берсақкина, эртангдан кўнгил хотиржам бўлади.

УЙ ШАРОИТИДА ҚУЁН БОҚИБ ҚАНДАЙ БОЙИШ МУМКИН?



Саҳифани
“Mahalla”
муҳбири
Шаҳноза
РАХИМХҲАЕВА
тайёрлади.

Даромад топиш осон эмас. Бунинг учун, аввало, тўғри йўналиш танлаш ва астойдил меҳнат қилиш зарур. Қолаверса, инсон ўзи қизиққан соҳасида тезроқ муваффақият қозонади. Бугунги қаҳрамонимиз Шўрчи тумани Алишер Навоий номидаги маҳаллада истиқомат қиладиган Озода Пардаева ҳам шундай ишнинг “кўзи”ни топганлардан.

Нигина ШОЕВА,
журналист.



Қуёнчиликнинг яна бир афзаллиги — уни кичик ҳудудда ҳам ривожлантириш мумкин. Қисқа муддат ичида қўпаяди, парвариши унчалик қийинчилик туғдирмайди. Айниқса, оилавий тадбиркорлик учун жуда қўлай. Озода Пардаева ҳам айнан шу имкониятлардан унумли фойдаланиб, ўз фаолиятини кенгайтиришга эришган.



Келгусида тадбиркор қуёнчиликни янада ривожлантириш, ишлаб чиқариш ҳажминини ошириш ва маҳсулот турларини кўпайтиришни мақсад қилган. Шу билан бирга, янги иш ўринлари яратиш, ёшлар ва хотин-қизларнинг бандлигини таъминлашга муносиб ҳисса қўиши ниятида.

Озода Пардаева каби меҳнаткаш ва ташаббускор ишбилармонлар фаолияти қишлоқ жойларда тадбиркорлик муҳитини яхшилаш, аҳолининг турмуш даражасини ошириш ва иқтисодий барқарорлиқни таъминлашда муҳим аҳамият касб этмоқда. Уларнинг тажрибаси бошқалар учун ҳам намуна бўлиб хизмат қилиши, шубҳасиз.

ТАДБИРКОРЛИК — НУРЛИ КЕЛАЖАК САРИ ТАШЛАНГАН ИЛК ҚАДАМ

Бухоро туманидаги “Маданият работ”, “Шергирон” ва “Кўчқўмар” маҳаллаларида ёшлар ва аёллар учун янги имкониятлар эшиги очилди.

Гулшода ИБРОҲИМОВА,
Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси
Бухоро вилояти бошқармаси
матбуот котиби.

Аниқроқ айтадиган бўлсак, Олий Мажлис ҳузуридаги Фуқаролик жамияти институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди Бухоро вилояти бўлими эълон қилган танловда “Нурли келажак” аёллар ва ёшларни ижтимоий ҳимоялаш маркази ўзининг “Шергирон ва Кўчқўмар ёшлари учун янги имкониятлар” лойиҳаси билан иштирок этиб, ғолибликни қўлга киритди.

Албатта, бу ютуқ ижтимоий ҳимоя марказининг маҳалладаги ўрни ва мавқеини янада мустаҳкамлаш, ҳудудда мададга муҳтож ёшлар ҳамда аёлларга эътибор ва ғамхўрликни янада оширишга хизмат қилади. Мақсад-моҳиятига кўра, лойиҳанинг муҳим жиҳатлари — ногиронлиги бўлган аёллар ва ёшлар учун барқарор тадбиркорлик имкониятларини яратишдир. Бу ташаббус уларга нафақат иқтисодий мустақиллик беради, балки ўзига бўлган ишончини оширади, ижтимоий фаоллик ва жамиятдаги ролини кучайтиришга хизмат қилади. Марказнинг қўллаб-қувватлаши туфайли лойиҳада иштирок этган ёшлар ўз салоҳиятини рўйбга чиқараётгани жуда қувонарли.



Айтиш жоизки, мазкур лойиҳа доирасида “Нурли келажак” аёллар ва ёшларни ижтимоий ҳимоялаш маркази туман миқёсида 21 нафар аёл ва ёшнинг истақларини инобатга олган ҳолда зарур асбоб-ускуна билан таъминлади. Ижтимоий муҳофазага олинган ўғил Гадоева, Шахрибону Тоштемирова, Сабрина Хайруллаева, Сардор Ҳамроев, Миржон Саидовга лаёқати ва истиги биноан тикув машинаси, электр пайвандлаш ускунаси, иситиш печи ва бошқа зарур ускуналар тақдим этилди.



2025 йилда Ўзбекистон-га олиб кирилган автомобилларнинг 71 фоизини ЭЛЕКТРО-МОБИЛЛАР ТАШКИЛ ЭТДИ, бензинли машиналар импорти 40 фоизга камайди.



Ўзбекистон Жанубий Кореянинг “Samsung” компанияси билан ВИРТУАЛ САЁҲАТ платформасини яратади.



23 январь куни Чорвоқ сув омбори бўйида қурилиши режа қилинган “Sea Breeze Uzbekistan” туристик мажмуасининг ЖАМОАТЧИЛИК ЭШИТУВИ ўтказилади.

2026 йил
21 ЯНВАРЬ,
ЧОРШАНБА

Mahalla №5

5

“ИСТЕЪДОДЛИ ЎФИЛ-ҚИЗЛАР — ЭЛ-ЮРТИМИЗНИНГ ФАХРИ!”

МЕНДА САВОЛ БОР...

Талъат БУРҲОНОВ.
Сурхондарё вилояти:

— Мен қурилиш маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхонада фаолият юритаётган ёш олимман. Ҳозирда корхонамиз маҳсулотлари хавфсизлиги бўйича текширувдан ўтказилмоқда ва номувофиқлик аниқланса, электрон реестрга киритилиши мумкинлиги айtilди. Шу ҳолатда мен иштирок этмоқчи бўлган хорижий илмий стажировка ёки 2026-2028 йилларга мўлжалланган илмий лойиҳалар танловларида қатнашиш ҳуқуқим чекланмайдими?

ЭЛЕКТРОН РЕЕСТР ЁШ ОЛИМ ФАОЛИЯТИГА ТАЪСИР ҚИЛАДИМИ?



Феруз АСИЛБЕКОВ,
илмий лойиҳалар ва грантлар бўйича эксперт:

— Ёш олим сифатида сизнинг илмий фаолиятингиз ва танловларда иштирок этиш ҳуқуқингиз корхонанинг ҳўжалик фаолияти билан бевосита боғлаб қўйилмайди. Агар сиз ишлаётган корхона қурилиш маҳсулотлари хавфсизлиги бўйича номувофиқ деб топилиб, электрон реестрга киритилса, бу ҳолат фақат корхонанинг давлат харидларида иштирок этишига таъқиқ қўяди. Бу сизнинг хорижий илмий стажировка ёки 2026-2028 йилларга мўлжалланган илмий лойиҳалар танловларида қатнашиш ҳуқуқингизни автоматик равишда чекламайди.



Муҳими, танловларда шахсий илмий салоҳиятингиз, лойиҳангиз мазмуни белгиланган талаблар асосида баҳоланади. Агар танлов шартларида иштирокчи сифатида айнан корхона эмас, балки ёш олимнинг ўзи кўрсатилган бўлса, корхона реестрга киритилгани сиз учун тўсиқ бўла олмайди.

Шу сабабли, ҳўжжат топширишдан олдин танлов низоомини диққат билан ўрганинг ва зарур бўлса, танлов ташкилотчисидан ёзма тушунтириш олинг. Бу сизни ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилади ва келажақдаги илмий режарингизни хотиржам давом эттиришга ёрдам беради.



Саҳифани
“Mahalla” муҳбири
Шаҳноза ХАЛИЛОВА
тайёрлади.

ЕТАКЧИ — ЁШЛАРГА КўМАКЧИ

АҚЛ БИЛАН ИШ ТУТИЛСА, ИМКОНИЯТ ТОПИЛАДИ, БАРАКА КўПАЯДИ



Баъзан катта даромад ёки муваффақият узоқдан эмас, кўзимиз ўрганиб қолган оддий манзаралар ичидан чиқиб келади. Беданачилик ҳам шундай соҳалардан бири. Ҳам тухуми бор, ҳам даромади. Тўғри парвариш ва билим бўлса, бу митти паррандалар катта имконият эшигини очади.

Асадбек УММАТАЛИЕВ,
Янги Наманган туманидаги
“Ёшлик” маҳалласи
ёшлар етакчиси.

Тўғри, бедананинг умри қисқа, ўзи нозик бўлгани учун аҳоли гавжум жойларда боқишга ҳамма ҳам журъат қилавермайди. Аммо имкониятни кўра билган одам учун тўсиқ деган нарса бўлмайди. Маҳалламизда яшовчи Маликжон Мамажонов ана шундай журъатли йигитлардан. У кўпчилик эътибор бермаган йўлдан юрди. Энг қизиқ жиҳати — беданаларни хонадонининг том қисмида парваришлайди. Айтишича, ҳид юқорига кўтарилиб кетади, совуқ кунларда эса уйдан чиқаётган иссиқлик томдаги катакларни табиий тарзда иситиб туради. На кўшимча харажат, на ортиқча ташвиш бор.

Беданалар жуда ҳуркак ва нозик бўлгани сабабли уларнинг ҳарорати, ёруғлиги, овқат тартиби доимий назоратда бўлиши керак. Маликжон бу масалага жуда масъулият билан ёндашди. “Беданага берган эътиборинг тухум бўлиб қайтади”, дейди у. Ҳақиқатдан ҳам шундай: ўтган йилнинг ўзига у 9 мингга яқин бедана боқиб, 6 минг 500 атрофида тухум олди ва 15 миллион сўм соф даромад кўрди. Бу эса меҳнат ва сабрнинг натижаси.



Маликжоннинг ҳаёт йўли ҳам осон кечмади. У хориж нонини татиб кўриб, 10 йилдан ортиқ қурилишларда ишлади. Бир неча бор “Энди бормайман”, деб Ватанга қайтиб келди, аммо иши юришмай яна кетишга мажбур бўлган пайтлари ҳам бўлди. Охир-оқибат оила бағрига қайтди ва “Ватанимда ҳам имконият етарли”, деган ҳулосага келди.

Энди маҳалламизда ҳоким ёрдамчиси кўмагида беданачиликни маҳалла “драйвери”га айлантириш режалаштирилмоқда. Маликжон бу йўлда нафақат ўз тажрибасини ўртоқлашади, балки қийналаётган, оёққа туришни истаган оилаларга бегараз беданалар беришни ҳам кўзламоқда.

Ёшлар етакчиси сифатида шуни ишонч билан айта оламнки, Маликжон каби фидойи ва ташаббускор инсонлар маҳалланинг таянчи, ёшларимизга эса ҳақиқий ибратдир. Меҳнатдан кўрқмай, ақл билан иш тутган одам учун бу юртда имконият бор, барака бор, келажақ бор.

ЁШЛАР ДАФТАРИ — ИМКОНИЯТЛАР КАЛИТИ

“Кўмак” ҳам илмда, ҳам ҳаётда ҳаммага асқатяпти

“Излаган имкон топар”, дейишади. Бугун шу гапнинг нақадар рост эканига ўз ҳаётим мисолида амин бўлдим. Аслида ҳам, энг муҳими — хоҳиш. Хоҳиш бўлса, жойнинг торлиги ҳам, шароитнинг соддалиги ҳам тўсиқ бўлолмайди.

Шаҳзодбек ОЧИЛОВ.
Оқолтин тумани
“Бўстон” маҳалласи.

Маҳалламиз бугун чекка ҳудуд саналса-да, фидойи фаоллар, ёшлар етакчиси ва бир-бирига елка тутган инсонлар бор жойда имконият ҳар доим топилади. Ана шу ишонч етакчи аёлим билан бирга катта орзўга етаклади. Ёшмиз, ғайратимиз бор, “нега биз ҳам фойдали бир иш бошламаслигимиз керак?” деб ўзимизга савол бердик. Шундай қилиб, кичик бўлса-да, ўқув маркази очишни мақсад қилдик.

Аввалига иккиланаш бўлди. Ҳудуд кичик, шароит оддий. “Чекка жойда ўқувчи йиғилармикан?”, “Ёшларнинг қизиқиши қандай бўлади?” деган хавотирлар йўқ эмас эди. Аммо таваккал қилмасангиз, бир чеккада туриб фақат орзу қилишдан на-рига ўта олмайсиз. Ана шу пайтда ёшлар етакчисининг йўл-йўриклари, фойдали тавсиялари биз учун йўлчи юлдуз бўлди. У икки ой давомида ўқув маркази ташкил этилишида бевосита иштирок этиб, бизни руҳлантирди, ишонч берди.

Натижада Президентимиз ташаббуси билан йўлга қўйилган “Кўмак” лойиҳаси орқали 130 миллион сўм ссуда (қарз) олишга муваффақ бўлиб, инглиз тилига ихтисослашган ўқув марказини ташкил этдик. Энг қувонарлиси, қисқа вақт ичида марказимизда 50 нафарга яқин ёш таълим ола бошлади. Чекка ҳудудда яшасак-да, бугун маҳалламизда замонавий, шинам ва истиқболли ўқув маркази фаолият юритмоқда.

Бизни энг кўп илҳомлантирган нарсас — шу ерлик йигит-қизларнинг илмга бўлган чанқоқлиги бўлди. Эълон беришимиз билан ёшлар оқими бошланди. Тўғриси, ҳали марказ очилганига кўп бўлгани йўқ, аммо бугун бешинчи гуруҳни бошлаш арафасида турибмиз. Бу — биз учун катта ишонч ва масъулият.



Маҳалламизда инглиз тилига қизиқиш жуда юқори. Шу сабаб ўқув марказимиз кундан-кунга равнақ топиб бормоқда. Келгусида рус тили, фан тўғарақлари ҳамда замонавий йўналишлар бўйича курсларни йўлга қўйишни режалаштирганмиз. Фаолиятимизни аста-секин кенгайтириб, ёшлар учун янада кўпроқ имконият яратмоқчимиз.

Энг катта бахтимиз — маҳалламиздаги болалар ва ёшларнинг билим олишига оз бўлса-да, ҳисса қўшаётганимиздир. Бугун уларнинг кўзидаги ишонч ва орзуларни кўриб, бир пайтлар бизни қийнаган кўрқувлар қанчалик арзимас бўлганини англаймиз. Демак, чин дилдан исталган ният, тўғри йўл ва бир оз журъат билан чекка ҳудудда ҳам катта келажақни барпо этиш мумкин экан.



Сурхондарёда
Кушон империясига
тааллуқли обидалар
таъмирланиб,
ПИЛИГРИМ
САЙЁҲЛАР
жалб қилинади.



Ўзбекистонда
1 февралдан
ТЕЗЮРАР ПОЕЗД
БИЛЕТЛАРИ НАРХИ
15 фоизга
кўтарилади.



ЖАҲОН БАНКИ:
Ўзбекистон
2026 йилда
ЯИМ ўсиши бўйича
минтақадаги
ривожланаётган
иқтисодиётлар орасида
топ-3 ликка киради.

6

Mahalla

№5

2026 йил
21 ЯНВАРЬ,
ЧОРШАНБА

“МАҲАЛЛА — ИЖТИМОИЙ БИРДАМЛИК МАНБАИДИР!”

ФАОЛ ҲАЁТГА ҚАДАМ

БИЗДАН ФАҚАТ МЕҲР ҚОЛАДИ...

Оила энг муҳим кўрғон, кўмак ҳар лаҳза зарур



Бугунги кунда ижтимоий ҳимоя тизимидаги устувор йўналишлардан бири — ногиронлиги бўлган ва ўзгалар парваришига муҳтож шахсларни фаол ижтимоий ҳаётга мослаштириш ҳисобланади. Шу билан бирга, уларнинг парвариши билан банд бўлган оила аъзоларининг таълим олиш, меҳнат қилиш ва ижтимоий фаоллигини тиклаш долзарб масалалардан бирига айланган.

Зарнигор НАФИДДИНОВА,
Ижтимоий ҳимоя
миллий агентлиги
Бухоро вилояти бошқармаси
матбуот котиби.

Ана шу муҳим ижтимоий эҳтиёждан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг тегишли қарори билан 2025 йил 1 июндан бошлаб “Фаол ҳаётга қадам” дастури жорий этилди. Унга кўра, уй шароитида кўрсатиладиган ижтимоий хизматлар тизими равишда йўлга қўйилиб, парвариш масъулиятининг муҳим қисми давлат зиммасига олинмоқда. Натижада, ногиронлиги бўлган шахсларнинг соғлигини тиклаш, ҳаракатланиш ва кундалик фаолиятдаги мустақиллигини ошириш билан бир қаторда, уларни парваришlash билан банд бўлиб келган оила аъзолари учун ўқиш, касб эгаллаш ва иш билан банд бўлиш имконияти яратилмоқда.

Дастур доираси Бухоро вилоятида эришилган натижалардан унинг нақадар ҳаётийлигини яққол кўриш мумкин. Бугунги кунга қадар 2 010 на-фар ўзгалар парваришига муҳтож ногиронлиги бўлган шахс дастур доирасидаги хизматлар билан қамраб олинди. Хусусан, Жондор туманида Ибн Сино номидаги маҳаллада яшовчи Маҳфуза Қороева аввал ҳаракатланишда жиддий қийинчиликларга дуч келган. Физиотерапия ва реабилитация муолажалари натижасида у бугун мустақил юра бошлади. Бу дастурнинг оддий ёрдамдан кўра, ҳаёт сифатини яхшилашга қаратилган аниқ мақсад эканини кўрсатувчи ёрқин мисолдир.

Коровулбозор туманида яшовчи Феруза Издиллиева мисолида “Фаол ҳаётга қадам” дастурининг яна бир муҳим мақсади — ижтимоий хизматлар ва бандлиқни уйғунлаштириш эканини кўриш мумкин. Уйда қараб туриш хизмати орқали Феруза опа зарур ёрдамга эга бўлди, бу хизматни кўрсатаётган фуқаро ўзини ўзи банд қилди. Натижада, бир томондан ногиронлиги бўлган шахснинг ҳаёти енгилашди, иккинчи тарафдан янги иш ўрни яратилди. Бу дастурнинг нафақат ижтимоий, балки иқтисодий самарага ҳам эга эканини тасдиқлайди.

Кўриб турганингиздек, “Фаол ҳаётга қадам” дастури нафақат алоҳида шахсларнинг ҳаёт сифатини яхшилайди, балки бутун оиланинг ижтимоий-иқтисодий барқарорлигига ижобий таъсир кўрсатади. Бу эса ижтимоий ҳимоянинг ёрдам берувчи эмас, балки имконият яратувчи, фаолликка ундовчи тизимга айланаётганидан далолатдир.



Дастур доирасида йўлга қўйилган уй шароитида ижтимоий-маиший ёрдам, уйда қараб туриш, тиббий-ижтимоий реабилитация, кундузги қатнов асосида қараб туриш ва шахсий ёрдамчи хизматлари орқали муҳтож шахсларнинг кундалик ҳаётдаги қарамлиги камайтирилиб, мустақиллиги босқичма-босқич тикланмоқда.

“Фаол ҳаётга қадам” дастурининг яна бир муҳим жиҳати — ваучер асосидаги молиялаштириш тизимидир. Бу “Камбағал оилалар реестри”, ёлғиз кексалар ва ногиронлиги бўлган шахслар ҳамда “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” орқали нафақа ва моддий ёрдам олувчиларга хизматлардан молиявий юкламаларсиз фойдаланиш имконини берапти.

ИНТИЛГАНГА ИМКОНИЯТ ЧЕКСИЗ

ОРЗУНИНГ АМАЛГА ОШГАНИ БАХТДИР

Ҳаётдаги энг катта орзуингиз нима? Бу саволга ҳамма ҳар хил жавоб беради. Кимдир замонавий уй харид қилишни, яна биров тадбиркорлик бошламоқчи эканини айтар эҳтимол. Лекин Жасурбек Мамажонов билан гаплашганимизда, у “йўришни хоҳлайман”, деди.

Зулайхо ЗАЙНИДДИНОВА,
Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги
Наманган вилояти бошқармаси
матбуот котиби.

Биринчи гуруҳ ногиронлиги бўлган бу фуқаро аввал сира кўчага чиқмаган, фақат уйда ўтирарди. Ижтимоий ходим унинг ҳолатини ўрганиб, “кейс” очди. Биринчи навбатда, “Инсон” ижтимоий хизматлар маркази психологи келиб, у билан машғулотлар олиб борди. Бу ижобий натижа кўрсата бошлади. Фуқаронинг ўзига бўлган ишонч ортиб, руҳан тетиклашди. Кейин Жасурбекка электрон арава олиш учун ариза ёзилди. Хонадонни “Камбағал оилалар реестри”га киритилди.



— Узоқ вақт ногиронлик аравачасида ўтирдим, — дейди Мингбулоқ туманидаги “Ингичка” маҳалласида истиқомат қиладиган Жасурбек Мамажонов. — Баъзан вақт бир нуқтада тўхтаб қолгандек туюларди. Қадам ташлаш тобора орзуга айланиб бораётганди. Назаримда, ҳаётини энди ҳеч нарса ўзгартира олмасди.

Лекин инсон умид қилишдан, кутишдан тўхтамаслиги керак экан. Уйимизга ижтимоий ходим кириб келиб, менга кундузги қараб туриш хизматидан фойдаланишни тақлиф қилганда, аввалига рад этдим. Ўзим бориб, шароитларини кўрдим. Ҳаммаси мен тасаввур қилгандан анча яхши эди. Ўша вақт ҳаётимдаги энг муҳим қадами ташлашга қарор қилдим. Шу орқали орзуларим ушалиши мумкинлигини ҳаёлимга ҳам келтирмаган эдим.


Айни вақтда Жасурбек Мамажонов кундузги қараб туриш хизматидан фойдаланапти. Икки ой ичида у қўлтиқтаёққа таяниб, мустақил юра бошлади. Орзулари амалга ошганидан беҳад хурсанд. Турмуш ўртоғи шу масканда ошпаз сифатида меҳнат қиляпти. Фуқаронинг даромадини ошириш мақсадида уйининг олдида тўловни амалга ошириш шохобчаси очиб беришни мўлжаллаганмиз. Шу орқали хонадон вакиллари турмуш шароитини яхшилаб олишига ишончимиз комил.



Асрор ШАРОПОВ,
Қамаши туманидаги
“Катта ўра” маҳалласи ижтимоий ходими.

қонун ҳужжатлари бўйича саволлар беришади. Баъзан улар билан гаплашиб, вақт ўтганини ҳам сезмай қоламан. Умримни шундай хайрли ишларга бағишлаётганимдан бахтиёрлик туяман.

“Еттилик” ходимлари билан Мохира Ўролованинг хонадонига кириб борганимизда, оила вакиллариининг кўмакка муҳтож эканига гувоҳ бўлдик. Аёлнинг қайни укаси I гуруҳ ногиронлиги бўлган шахс сифатида рўйхатда турганини инобатга олиб, махсус арава тақдим этилди. Бу жамиятдан ажралиб қолган шахснинг ижтимоийлашувини таъминлашда катта аҳамият касб этишига ишончимиз комил. Фуқарога келинойсиз расман қаровчи сифатида бириктирилди. Иситиш мавсумини қийинчиликларсиз ўтказиши учун бир марталик моддий ёрдам ажратилди. Ташқаридан кичик ва арзимасдек кўринган бу хизматлар, аслида, қийналиб кун кечираётган инсонлар ҳаётини бутунлай ўзгартириб юборгани билан катта кадр-қийматга эга.



уқароларнинг эҳтиёжларини ўрганиш, барчага бирдек ёрдам кўрсатиш мақсадида ўзим учун кунлик ва ҳафталик режа тузиб олганман. Шу асосда ҳудудларни айланаман, одамларнинг дарду ташвишини қалбдан ҳис қилиш ниятида кўпроқ суҳбатлашаман. Аввалига уларнинг нигоҳидаги ишонсизлиқни кўриб, бироқ тушқунликка тушдим. Лекин ортга чекинмадим, давлат тақдим этаётган имкониятларни ҳар бир оилага олиб кириш учун астойдил интилдим. Натижаси қисқа фурсатда намоён бўла бошлади. Энди ногиронлиги бўлган фуқаролар ва эҳтиёжманд кишилар йўлимга кўз тикиб ўтиришади. Олиб борилаётган ислохотлар ва янги қабул қилинаётган



Бугун маҳалла тизимида фаолият олиб бораётган ҳар бир ходимнинг асл мақсади халқни рози қилиш. Уларни уйлантираётган муаммоларга ечим топиб, умрини мазмунли ўтказишга муносиб ҳисса қўшишдан иборат. Мен ҳам шу йўлда эканимдан хурсандман.



Саҳифани
“Mahalla”
муҳбири
Шахноза
РАҲИМХУҲАЕВА
тайёрлади.

СИЗ ЁЛҒИЗ ЭМАССИЗ...

ҲАЁТГА НУР ВА ҚУВОНЧ КИРИБ КЕЛГАНИ АФЗАЛ

Бўка туманидаги “Тошлоқ” маҳалласида фуқароларнинг ҳаёт шароити ўрганилиб, уларнинг эҳтиёжларига алоҳида ёндашув асосида амалий ёрдам кўрсатиш ишлари самарали йўлга қўйилган. Худудда 4 218 нафар аҳоли истиқомат қилиб, улардан 79 нафари ногиронлиги бўлган шахс сифатида рўйхатга олинган.

Элбек ШОЙИМҚУЛОВ,
журналист.

Хонадонлар эшигини тақиллатиб бориш, бу — нафақат касб масъулияти, балки давлатимиз кўрсатаётган эътибор ва ёрдамни ҳақиқий эгаларига етказиш бурчидир, — дейди мазкур маҳалла ижтимоий ходими Мухлиса Аҳмаджонова. — Утган йили худудимиз бўйича 540 тадан ортиқ мурожаат қабул қилинган бўлиб, уларнинг 95 фоиздан ортиғи ижобий ҳал этилди.

Маҳаллада, айниқса, ногиронлиги бўлган шахсларнинг бандлигини таъминлаш ҳамда уларнинг ижтимоий фаоллигини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, “Камбағал оилалар реестри”да турувчи Шерзод Абдуллаевга бир қатор амалий ёрдамлар кўрсатилди. Оила аъзолари чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказилди ва даволаниши учун моддий ёрдам ажратилди. Фарзандлари бепул тўғарақларга йўналтирилди, электр энергияси ва газ харажатларини қоплаш учун компенсация тайинлашга ариза топширилди. Турмуш ўртоғи ҳамкор ташкилотлар кўмағида ишга жойлаштирилди.



Мазкур маҳаллада амалга оширилаётган бундай эзгу ишлар тўғайли ўнлаб оилаларнинг ҳаёти ўзгариб, уларнинг қалбида умид уйғонмоқда. Ҳаётига нур ва қувонч кирган кишилар эса жамият равнақи йўлида астойдил меҳнат қиляпти.

— Бизга кўрсатилган ёрдам ва эътибордан беҳад миннатдоримиз, — дейди Шерзод Абдуллаев. — Бу нафақат моддий қўмак, балки оиламиз учун катта руҳий далола бўлди. Давлатимизнинг бундай қийин пайтларда ёрдам бераётгани мушқуллимизни янада осонлаштиряпти.

“Тошлоқ” маҳалласида ёлғиз яшовчи, ўзгалар парваришига муҳтож фуқаролар ҳам доимий эътибор марказида. Масалан, ёлғиз яшовчи аёл бўлгани учун Руқия Ўразалиевага ижтимоий ходим ассистенти тайинланди. Фуқаро бепул дори-дармонлар билан таъминланди, санаторийга навбатга қўйилди. Шунингдек, электр энергияси ва газга компенсация олиш учун ариза расмийлаштирилди.



Ўзбекистонда
янги
ЭЛЕКТРОМОБИЛЛАР
СОТУВИ 2025 йил
давомида 35 фоизга
ошиб, 40,7 минг донани
ташкил этди.



Ўзбекистон
БАА компаниялари
билан 24/7 тартибда
ишлайдиган ҚАЙТА
ТИКЛАНУВЧИ ЭНЕРГИЯ
МАНБАЛАРИ лойиҳаси
бўйича шартнома
имзолади.



Самарқандда
рақамли ривожланиш
соҳасидаги энг йирик
лойиҳалардан
бири — МИЛЛИЙ
“AI НАСКАТОН”НИНГ
НАВБАТДАГИ БОСҚИЧИ
бўлиб ўтади.

2026 йил
21 ЯНВАРЬ,
ЧОРШАНБА

Mahalla

№5

7

“ҲАЛОЛ МЕҲНАТ — ХОТИРЖАМ ҲАЁТ ВА ФАРОВОН ЖАМИЯТ ГАРОВИ”

ЯШИРИН ИҚТИСОДИЁТ

НАҚДСИЗ ТЎЛОВ — ОШКОРАЛИК, ҲИМОЯ ВА АДОЛАТ ГАРОВИ

Албатта, кўпчилик инсонлар ҳисоб-китобни нақд пулда амалга оширишга ўрганиб қолган. Бу тизим йиллар давомида мавжуд бўлиб, одамлар ҳамёнидан пул чиқариб, узатиб қўя қолишни қулай ва тез, деб билади. Аммо бугун замон талаби ўзгарди. Энди фуқаролар нафақат қулайликни, балки ўз манфаатини, хавфсизлигини ва ҳуқуқий ҳимоясини ҳам чуқурроқ англаб етиши керак. Чунки нақд пул кўринишидаги ҳисоб-китоб ҳар доим ҳам ишончли бўлавермайди.

Шаҳноза ХАЛИЛОВА.

Бунинг ачинарли мисоллари, афсуски, бугун кўп учрамоқда. Республикамиздаги маҳаллалардан бирида шундай ҳолат юз берган. Нафақадаги ёлғиз аёлнинг эшиги тақиллайди. Ўзини коммунал хизматлар инспекцияси ходими сифатида таништирган ходим электр ва сув бўйича 400 минг сўм қарздорлик борлигини айтади. Кекса аёл вазиятни текшириб кўришга ҳам улгурмай, ишониб, нақд пулни қўлига санаб беради. Орадан бир неча кун ўтиб телефонга коммунал тўловлар хали ҳам тўланмагани ҳақида хабар келади. Пул берилган, аммо тизимда у йўқ. Афсуски, бундай ҳолатлар жуда кўп кузатилмоқда.

Айнан шундай ишончсизлик ва ҳуқуқсизлик ҳолатларининг олдини олиш мақсадида Президентимизнинг “Нақдсиз ҳисоб-китобларни оммалаштириш ва яширин иқтисодиёт улушчини қисқартиришга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони қабул қилинди. Унга кўра, 2026 йил 1 апрелдан электр энергияси, табиий газ ва ичимлик сувдан фойдаланганлик учун тўловлар банк карталари ёки электрон тўлов тизимлари орқали амалга оширилади. Шунингдек, электрон тўловларни қабул қилиш учун ягона QR-код тизими жорий этилади.



Электрон тўлов, бу — шунчаки рақамли янгилик эмас, бу — фуқаронинг ўзини ҳимоялаш усули. Энди сохта инспекторлар келиб, нақд пул олиб кетиши, қалбаки квитанция бериб алдашининг имкони бўлмайди. Тўлов уйда ўтирган ҳолда, бир неча дақиқада амалга оширилади ва у дарҳол тизимда акс этади.

Нақд пулга асосланган ҳисоб-китоблар яширин иқтисодиёт учун қулай замин яратди. Яширин айланмалар эса давлат бюджетига жиддий зарар етказди. Бу зарарлар бўлмаганда, кўпроқ мактаблар, шиофохоналар қуриш, йўлларни таъмирлаш, транспорт ва коммунал инфратузилмани тубдан модернизация қилиш мумкин бўларди. Демак, нақдсиз тўловлар — бу фақат техник масала эмас, балки мамлакат тараққиёти билан боғлиқ муҳим омилдир.

Баъзан “энди текширувлар кўпаядими?” деган савол ҳам кўп берилади. Йўқ, Асосий эътибор оддий фуқарога эмас, балки яширин айланмаларга қаратилади. “Бюрократия кучаядими?” Аксинча, рақамлаштириш жараёнлари соддалик ва очиқликни таъминлайди.

Нақдсиз ҳисоб-китоб, бу — ошкоралик, хавфсизлик ва адолат гарови. У ҳалол тадбиркорни ҳимоя қилади, фуқарога ишонч беради, жамиятда ҳуқуқ ва тартибни мустаҳкамлайди.

“СОЛИҚЧИ — КЎМАКЧИ”

Тушунтириш ишончга, ишонч натижага асос бўляпти

Фуқаролар билан ишлаш жараёнида шундай вазиятлар учрайдики, улар инсонга ўз меҳнатининг ҳақиқий самарасини яққол ҳис эттиради. Ана шундай ибратли ҳолатлардан бири маҳалламизда яшовчи Бунёд Маҳмудов билан боғлиқ.



**Гавҳар ИСОҚОВА,
Шароф Рашидов туманидаги
“Янги ҳаёт” ва “Самарқанд қудуқ”
маҳаллалари
солиқ инспектори.**

Бунёд ака аввалроқ норасмий тарзда овқат тайёрлаб, кўни-кўшниларга хизмат кўрсатар эди. Даромад бор, аммо фаолият қонуний асосга эга эмас, шу сабабли эртанги кунга ишонч ҳам тўлиқ эмас эди. У билан бўлган суҳбатлар давомида тадбиркорликни расмийлаштириш нафақат қонун талаби, балки, аввало, унинг ўз манфаати эканини тушунтирдим. Қонуний иш юритиш орқали текширувлардан қўрқмасдан фаолият олиб бориш, давлат кўмагидан фойдаланиш ҳамда солиқ тўловларининг енгил ва қулай шаклларини қўллаш мумкинлигини аниқ мисоллар билан баён этдим.

Унга яқка тартибдаги тадбиркор сифатида “My.gov.uz” платформаси орқали электрон рўйхатдан ўтиш, фаолият турини танлаш ва солиқ органларида ҳисобга қўйилиш жараёнларини амалий тарзда кўрсатиб бердим. Шунингдек, овқатланиш соҳаси учун энг мақбул бўлган айланмадан олинadиган солиқ тизимини тавсия қилдим. Бу тизимнинг соддалиги, ҳисоб-китобларнинг очиқлиги ва ортиқча ҳисобот талаб этилмаслиги тадбиркор учун катта енгиллик яратди.

Кейинги босқичда “Алибобо” номили тамаддихона очиш учун зарур бўлган рухсатномалар, санитария талаблари, онлайн назорат-касса машинасини ўрнатиш ва электрон ҳисоб-фактура юритиш тартиблари бўйича амалий ёрдам кўрсатилди. Натижада Бунёд ака ўз фаолиятини тўлиқ қонуний, шаффоф ва тизимли равишда йўлга қўйди.



Бугун у тадбиркор сифатида айланма солиқ, ижтимоий солиқ ҳамда ходимлари учун белгиланган солиқ тўловларини ўз вақтида амалга оширмоқда. Оила аъзоларини иш билан таъминлаб, улар билан меҳнат муносабатларини расмийлаштиргани эса унинг масъулиятли фуқаро эканини кўрсатади. Тамаддихона маҳаллада ўз миҳозларига эга бўлиб, барқарор фаолият юритапти. Энг муҳими, унинг мисоли бошқа фуқаролар учун ҳам ишонч ва рағбат манбаига айланди.

Умуман олганда, маҳалладаги ҳоким ёрдамчиси билан ҳамкорликда тадбиркорлар сонини ошириш, янги иш ўринлари яратиш ва солиқ қарздорлигини қисқартириш бўйича манзилли ишлар олиб бораёلمиз. Бу фаолият расмий ҳисоботлардагина эмас, балки ҳар бир хонадон билан юзма-юз мулоқот, тушунтириш ва ишонч асосида амалга оширилмоқда. Айрим ҳолларда “Telegram” гуруҳлари орқали ер-мулк солиқлари ва давлат олдидаги мажбуриятлар ҳақида маълумот берсак, зарур пайтларда хонадонларга кириб, оддий ва тушунарли тарзда изоҳлаб берамиз.

Бу жараёнда маҳалланинг фаол фуқаролари, хусусан, намунавий солиқ тўловчи сифатида тан олинган Тамара опа Соатова ва унинг оиласи биз учун катта таянч бўлиб келмоқда. У киши маҳалладошлар билан учрашувларда солиқни ўз вақтида тўлашнинг аҳамияти, уни оилада одат сифатида шакллантириш кераклиги ҳақида ҳаётини мисоллар билан сўзлаб беради. Бу каби самимий фикрлар кўпинча кўшнидан эшитилганда янада таъсири бўлади.

“СОЛИҚ ТЎЛАШ — БУРЧИМ”

“Маҳалламиз равнақига барчамиз бирдек масъул!”



Шўрчи туманидаги “Тўла” маҳалласи бугун нафақат ҳудудий кўрсаткичлари, балки аҳолининг юксак фуқаролик масъулияти ва жипслиги билан ҳам бошқаларга ибрат бўлиб келмоқда. 610 та хонадон ва 953 та оилани бирлаштирган йиғин ўтган йили республикамизда биринчилардан бўлиб мол-мулк ва ер солиқларини тўлиқ ҳамда ўз вақтида тўлаб, намунавий натижага эришди.

Сожида ЭШМАТОВА.

Бунатижа оддий рақамлар йиғиндиси эмас. Бу — маҳалладаги ҳам-жихатлик, ўзаро ишонч, давлат ва жамият олдидаги масъулиятни чуқур англашнинг ёрқин ифодасидир. Чунки ўтган йилда маҳалла аҳолиси учун ҳисобланган 676,2 миллион сўм солиқ тўловлари ҳамда аввалги йиллардан қолган 67 миллион сўмлик қарздорликлар тўлиқ ундирилган. Натижада режа 109,9 фоизга ортиғи билан бажарилди. Энг қувонарлиқ — маҳаллада солиқ тўламаган бирорта хонадон қолмади.

— Биз энди яхши тушуниб етдик, — дейди “Тўла” маҳалласида яшовчи Йўлдош Жўраев. — Солиқ тўлаш мажбурият бўлиш баробарида охир-оқибат ўзимизга қайтиб келадиган маблағ экан. Ўтган йили 200 та хонадонга етadиган ичимлик сув тортиб келинди. Кўчалар асфальт қилинмоқда, электр чи-роқлари ўрнатилмоқда. Буларнинг барчаси тўлаган солиқларимиз ҳисоби-дан амалга осяпти. Биз бунинг самарасини ўз кўзимиз билан кўряпмиз.



Дарҳақиқат, солиқ тўлаш — келажакка киритилган сармоя. Тоza ичимлик сув, раvon йўллар, ёруғ кўчалар, обод маҳалла — буларнинг барчаси фуқароларнинг масъулиятли ёндашуви натижасидир.

Албатта, бундай юксак натижага эришишда маҳаллага бириктирилган солиқ инспектори, маҳалла фаоллари, йиғин оқсоқоллари, кўча бошилари ва “маҳалла еттилиги”нинг ҳамкорлиги муҳим роль ўйнади. Улар ҳар бир хонадонга бориб, аҳолига солиқ тўловларининг аҳамияти, маблағларнинг қаерга ва қандай мақсадларда сарфланиши ҳақида батафсил тушунтиришлар олиб борди. Натижада фуқароларда ишонч ва тушунча шаклланди.

“Тўла” маҳалласи аҳолиси бугун ўз амалий ҳаракати билан шуни кўрсатдики, “мен ҳам мамлакатим ва маҳаллам раvнаки учун масъулман” деган ватанпарварлик туйғуси фақат сўзда эмас, амалда намоён бўлиши мумкин. Бу тажриба бошқа маҳаллалар учун ҳам ибрат бўлиб хизмат қилиши шубҳасиз.

СЎРАГАН ЭДИНГИЗ...

Ҳисоботни кеч топширса, жарима борми?

**Аҳмад ҚЎЛДОШЕВ.
Сурхондарё вилояти:**

— Мен кичик тадбиркорман. Бир неча ой давомида солиқ ҳисоботларини ўз вақтида топшира олмадим, лекин сўнги уч ойда ҳисоботларни белгиланган муддатда топшириб келяпман. Агар ҳозир ҳисоботни 3-4 кун кеч топширсам ёки олдинги топширилмаган ҳисоботлар бўлса, менга битта жарима қўлланиладими?

**Жаҳонгир АБДИЕВ,
Солиқ қўмитаси раиси
ўринбосари:**


— Сиз тушуниб олишингиз керак бўлган жиҳат: 2026 йил 1 январдан агар тадбиркор бир нечта солиқ ҳисоботларини ўз вақтида тақдим этмаган бўлса, эндиликда ҳар бир ҳисобот учун алоҳида-алоҳида эмас, барча топширилмаган ҳисоботлар учун битта маъмурий жарима қўлланилади. Шу билан бирга, жарима миқдорлари ҳам сезиларли даражада камайитирилди.

Жисмоний шахслар учун БҲМнинг 1 баравари, кичик тадбиркорлик субъектлари мансабдор шахслари учун эса БҲМнинг 3 баравари этиб белгиланди.

Бундан ташқари, агар сиз сўнгги уч ой давомида солиқ ҳисоботларини ўз вақтида топшириб келган бўлсангиз, ҳисоботни 5 кунгача кеч топширишингизга рухсат этилади ва бу ҳолатда сизга маъмурий жарима қўлланилмайди. Яъни интизомли тадбиркорлар учун енгилликлар берилиб, фаолиятингизни давом эттиришингизга қулай шароит яратилган.



**Саҳифани
“Mahalla” муҳбири
Шаҳноза ХАЛИЛОВА
тайёрлади.**



Ички ишлар
вазирлигининг
миграция ва
персоналлаштириш
пунктлари
“СЕРВИС
БЎЛИНМАЛАР”га
айлантирилади.



Янги қонун билан
китоб ўқиган
айрим маҳкумларнинг
ЖАЗО МУДДАТИ
ҚИСҚАРТИРИЛИШИ
мумкин.



Ягона интерактив
давлат хизматлари
портали орқали хо-
рижда истиқомат қила-
ётган ватандошларни
ЎЗБЕКИСТОНГА
ТАКЛИФ ҚИЛИШ
имконияти яратилади.

“МАҲАЛЛА ТИНЧ ВА АҲИЛ БЎЛСА, ЖАМИЯТ ТИНЧ, ҲАМЖИҲАТ БЎЛАДИ”

ХАВФСИЗ МАҲАЛЛА

Жиноятга аслида ким жавобгар бўлади?

Эл, маҳалла тинч бўлса, одамлар хотиржам яшайди. Аксинча, жиноят содир этилса, фуқароларнинг тинчи бузилади. Шу боис кексаларимиз дуога қўл очса, албатта, “эл-юртда тинчлик бўлсин!” дея дуо қилади. Аммо, гуруч курмакисиз бўлмаганидек, гоҳида маҳаллаларда кўнгилсиз ҳолатлар учраб туради, жиноят содир этилади. Бу эса ҳудуднинг тоифаланишига салбий таъсир қилади.

Шароф ўролов,
Ички ишлар вазирлигининг
Жамоат хавфсизлиги
департаменти
хуқуқбузарликлар
профилактикаси
хизмати бошлиғи, полковник.



у мавзуда профилак-
тика инспекторлари билан суҳбат-
лашганимизда, “қизил” тоифага
тушиб қолишига, хуқуқбузарлик-
лар кўп содир этилишига сабаб
қилиб, асосан, маҳалланинг мар-
казда ёки серкатнов йўл ёқаси-
да жойлашганини кўрсатишади.
Яъни, аксарият вазиятда жино-
ятлар бошқа маҳалла фуқарола-
ри томонидан содир этилса-да,
жабрини улар тортишини таъкид-
лашади.

Хўш, маҳаллаларни тоифа-
га ажратиш вақтида бу инобатга
олинганми? Автоҳалокат, жой ва
макон танламайдиган фирибгар-
лик ёки коррупцион ҳаракатлар
кимнинг ҳисобига ёзилади? Бош-
қа ҳудуд фуқароси бошқа маҳал-
лада жиноят содир этса, қайси
профилактика инспектори жавоб-
гар бўлади?



**Оила ўзига тинч бўлса, маҳалла жиноятдан холи ҳудудга айланса,
юртимизда осойишталик ҳукм суради. Бу эса кўп жиҳатдан “еттилик”
тизимининг ҳар бир нотинч оила билан, тарбияси оғир ёшлар билан
яқиндан иш олиб боришига боғлиқ.**

Ҳудудларда тинчлик ва осойишта-
ликни таъминлаш бўйича аниқ чоралар
белгиланган. Хусусан, криминоген вазия-
т ҳақидаги маълумотларни маҳаллалар
кесимида таҳлил қилиш электрон тизими
яратилиб, ҳудудларни автоматик равишда
“яшил”, “сарик” ва “қизил” тоифаларга
ажратиш тартиби жорий этилган.

Шу асосида ҳамкор ташкилотларнинг
жиноятларга қарши курашиш борасидаги
фаолиятини ташкил этиш тартиби белги-
лаб берилган. Унга қўра, сектор раҳбарла-

ри “яшил” тоифадаги маҳаллаларда амалга
оширилган ишларни бевосита ўрганиб
чиқади ҳамда ижобий иш услублари, амал-
га оширган тadbирларни секторнинг “са-
рик” ва “қизил” тоифадаги маҳаллалари-
да оммалаштиради. Бу жараёнда, “Темир
дафтар”, “Аёллар дафтари” ва “Ёшлар даф-
тари”га киритилган шахслар билан олиб
борилаётган ишлар, аҳолининг бандли-
гини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқий
онги ва ҳуқуқий маданиятини ошириш
tadbирларининг самарали ташкил этил-

ганлигига эътибор қаратилади.

Вилоят марказлари, Нукус ва Тошкент
шаҳрида оммавий tadbирлар ҳамда ис-
тироҳат боғлари, хиббон ва бозорларда
жамоат тартибини сақлашни ташкил этиш
Миллий гвардия бўлиномалари зиммасига
юклатилган.

Бундан хулоса қилиш мумкинки, мар-
казда ёки серкатнов йўл ёқасида жойлаш-
ган маҳаллада содир этилган жиноятга
фақат профилактика инспекторлари жавоб-
гар ҳисобланмайд.

МЕНДА САВОЛ БОР...

Қандай ҳолларда болага васий тайинланади?



Саҳифани
“Mahalla” муҳбири
Хайрулло
АБДУРАҲМОНОВ
тайерлади.

Аброр ЭЪЗОЗХОНОВ,
“Мадад” ННТ хуқуқшуноси:

— Вазирлар Маҳкамасининг “Етим болалар ва ота-
она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни жойлашти-
риш шакллари бўйича айрим норматив-ҳуқуқий ҳужжат-
ларни тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори билан тасдиқлан-
ган “Ўзбекистон Республикасида вояга етмаган шахслар-
га нисбатан васийлик ва ҳомийлик органи тўғрисида”ги
низомага асосан, ота-она уч ойдан ортиқ муддатга яшаш
жойидан, шу жумладан, чет давлатга вақтинча чиқиб ке-
таётганида ўз боласига васий ёки ҳомий тайинлаш чора-
ларини кўриши шарт қилиб белгиланган.

Тожибар НУРИЛАЕВА.
Тошкент шаҳри:

— Ёлғиз онаман. Қарамоғимда
5 ёшли фарзандим бор. Яқинда
ишлаш учун хорижга кетмоқчи
эдим. Бу муддатда боламга васий
тайинлашим мажбурийми?

Демак, агар чет элга 3 ойдан ортиқ
муддатга кетаётган бўлсангиз, онан-
гизни фарзандингизга васий этиб
тайинлашингиз керак. Бу жараён на-
фақат қонунчиликка итоат, балки фар-
зандингизнинг ҳуқуқий ҳимояси учун
муҳим ҳисобланади. Чунки болага
тайинланган васий унинг манфаатла-
рини алоҳида ишончномасиз ҳимоя
қилиш ҳуқуқига эга бўлади.


Туман васийлик ва ҳомийлик ке-
нгашининг тақдимномасига биноан,
туман ҳокимининг қарорига асосан
васий тайинланади.

Васий ёки ҳомий тайинлашда
унинг ахлоқий ва бошқа шахсий фа-
зилатлари, мажбуриятларни бажари-
риш қобилияти, васий, ҳомий ва ва-
сийликдаги ёки ҳомийликдаги шахс
ўртасидаги муносабатлар, васий ёки
ҳомий оиласининг васийликдаги ёки
ҳомийликдаги шахсга муносабати,
шунингдек, васийликдаги ёки ҳомий-
ликдаги шахснинг истаги инобатга
олиниши лозим.



**Маҳалламиз халқаро
магистраль йўл
ёқасида жойлашгани
боис икки ҳисса
масъулият талаб
қилади. Гоҳида
аҳолига боғлиқ
бўлмаган жиноятлар
ҳам содир этилади.
Биз мана шундай
манзилда хизмат
қилгямиз, деб
ўтираверсак,
жиноятлар сони
ортаверади.**

Фаолиятимизни янада тако-
миллаштириш учун профилактика
инспектори билан халқ ўртасида-
ги масофани яқинлаштириш керак.
Ички ишлар ходими айнан мана шу
аҳолининг бир қисми бўлиши шарт.
Бир сўз билан айтганда, маҳалла-
нинг ҳақиқий аъзосига айлансак,
шунда ҳамма бизни ҳурмат қилиб,
ишонади, эргашади. Жиноят содир
этишдан ўзини тияди.



Ушбу сондаги
барча мақолалар матнни
мустақил
Феруза ФУЗАЙЛОВА ўқиди.



Mahalla

Ўзбекистон
маҳаллалари уюшмасининг
ижтимоий-сиёсий,
маънавий-маърифий газетаси
Бош муҳаррир:
Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ
Дизайнерлар:
Лазиз Мейликов
Шерзод Маманов

Ўзбекистон Республикаси
Президенти Администрацияси
ҳузуридаги Ахборот ва оммавий
коммуникациялар
агентлиги томонидан
2024 йил 7 майда
№271590 рақами билан
давлат рўйхатидан ўтказилган.

Муассис: «MAHALLA DAVRIY
NASHRLARI» МЧЖ

Таҳририят манзили:
100192, Тошкент шаҳри
Мустақиллик шоҳ кўчаси 59-уй.
Телефонлар:
71 233-39-89, 71 233-10-92.
Нашр кўрсаткичи: 148.

«Шарк» НМАК
босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили:
Тошкент шаҳри
Буюк Турон кўчаси 41-уй.

Газета таҳририят компьютер
марказида саҳифаланди ва
офсет усулида босилди.

Ўлчами — 380x587, 4 б.т.
8 800 нусхада чоп этилди.
Буюртма №: Г-120

ISSN 2600-7013

